

Муовия ибн Абу Суфён давридаги фатҳлар



15:54 / 09.03.2025 1769

У кишининг халифалиги даврида жуда катта фатҳлар амалга оширилган. Улар асосан икки асосий жабҳада бўлган. Биринчиси – ғарбий жабҳа. Ҳозирги Туркия давлатининг ўрни Рум деб аталиб, у ерларда доимий равишда чегаралар қурилган ва фатҳ ишлари тўхтовсиз давом этиб турган.

Асосий мақсад Қўстантинияни фатҳ қилиш эди. Ҳижрий 50 (милодий 670) йилда Қўстантиния қамал қилинди, сўнг ҳижрий 53–61 (милодий 673–680) йилларда ҳам қамал қилиш ишлари давом этди. Лекин бу юртни фатҳ қилишнинг имкони бўлмади. Муовия розияллоҳу анҳу Ўрта ер денгизида бир минг етти юзта кемадан иборат денгиз флотини ташкил қилди ва унинг ёрдамида жуда кўп ғалабаларга эришди.

У киши ҳижрий 49 (милодий 669) йилда Сиқиллия – ҳозирги Сицилиядаги Журба оролини, ҳижрий 53 (милодий 673) йилда Урдус оролини, ҳижрий 55

(милодий 675) йилда Кирит оролини фатҳ қилдилар. Шунингдек, ҳижрий 57 (милодий 677) йилда Эгей денгизидаги ороллар, Қустантинияга яқин ерлар фатҳ қилинди.

Африкада эса жуда кўп жойлар, жумладан, ҳижрий 41 (милодий 661) йилда Бинзерт, 45 (милодий 665) йилда эса Қайрувоннинг ёнидаги Қумуния фатҳ қилинди. Ўша йилнинг ўзида Суса шаҳри ҳам фатҳ этилди.

Уқба ибн Нофеъ розияллоҳу анҳу томонидан Сирт, Ғидамис, Тароблус (Триполи) шаҳарлари фатҳ қилинди. Вуддон қайтадан фатҳ қилиниб, унинг ерлари Фаззон ва Қафсага қўшилди. Ҳижрий 50 (милодий 670) йилда Қайрувон шаҳрини қурди. Шунингдек, Уқба ибн Нофеъ Судан юртларидаги жойларни фатҳ қилди. Фатҳлар кенгайиб бориб Мағрибга, Жазоиргача етди. Уқба ибн Нофеъ Фихрий ўша майдондаги энг катта қўмондонлардан ҳисобланган.

«Ислом тарихи» иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.